

Т. юрагини харсангдай босиб ётган вахми енгиллатишга имкон тугилганидан кувониб кетди ва бу кўримсизгина аёлга бошидан якинда кечирган савдони очилиб-сочилиб гапириб берди.

Енди, орадан бир-икки ойни ўтказиб, мисоли асал ойини бошларидан ўтказаетган келин билан куёвдай каймоклашиб юрган ошик-маъшукларга бир назар солайлик. ўша окшом—мехмонхона тагидаги кахвахонада эшитганларига боз кайтиб, рангпар хоним жаноб Т.га кўнгил берди: ажал котилданми, бошқаданми, барибир хар бошда бир ўлим мукаррар, бир куни ўлиб кетарканманда, деб хаётга кундан бурун этак силкиш, хурсандчиликдан юз буриш ярамайди, деди ва буни икки карра икки тўртдай тушунтириб кўйди. Жаноб Т. хам дархол бўлмасада аста-секин катъиятсизликни ташлаб, янги, айтиш жоизки, бокира туйгуларга эш бўлди. У гохи-гохида, ўзининг мушкул ахволга тушган дамларини эслаб кўярди: хоним эса порлок келажакларининг режасини тузар, гарчи безовта туйгулар хануз юрагини тимдалаб турса-да, у хонимнинг бу машгулотига халал бермасди.

Вафодор ошиклардай очилиб-сочилиб аҳд-паймонлар килишиб, ширин сухбатлар куришган окшомлардан бирида Т. кайфичог, олти миллион лирга тушгани ёдидан кўтарилиб кетган, хиргохини баланд олиб, мехмонхонадаги хос хонасига кеч кайтди: бир махал ошхона эшигининг туткичи ташқаридан бехос буралиб, Т.нинг олайиб кетган кўзлари олдида котил пайдо бўлди. Хонага бу нокас кандай килиб кирди экан? Нахотки, уни тинчитиш учун келди... Э, худойим, энди-енди, сал...

— Сиз... сен... олган пулингни оклагани келдингми?

— Жа обкочасиз-а, очилиб кулди ёлланган котил. — Мени ким деб ўйляяпсиз? Лафз пулдан баланд туради: агар сизни ўлдириш учун келганимда мени пайкамай колардингиз.

—Унда нега келдингиз?

—Бадбахт курбонимни бир кўрай-чи, дедим-да. Устига -устак мендан килган шубха-гумонларингизни таркатай, дедим. Ваъда-ваъда! Мухими, сиз халигидай, яъни хаётдан кўз юмсангиз, кани нима йўкотаркансиз, шуни билгим келди.

—Агар мен туйкусдан?.. Барибир ўлишимга тўгри келади, гарчи?.. — гудраниб нимадир демокчи бўлди шўрлик Т.

—Кўйинг энди! — жеркиб берди мехмон, одатдагидай унинг нима демокчилигини олдиндан фахмлаб.

— Мен сизга ёлландим, хатто хаккимни олдиндан олдим хам. Яна менга нима керак? Балки сизга керакдир, ўзингиздан ўпкаланг, энди.

— Агар ўзим сиздан илтимос килсам-чи...

— ўлдираман деб сўз бердимми, тамом. Хакким бор бунга, — деди жиддий туриб котил.

— Шартни бажариш виждонга тўгри иш бўлишини айтиб ўтиришининг хожати бўлмаса керак? Мен консираяпман, буни унутманг.

—Ё худо, ахир, сиз менинг кейинги пайтдаги ишларимдан хабардорсиз-ку, сиздан ўтиниб сўрайман...

—Нима-нима? Майли, пуллар ўзингизда колсин, биров мени ўлдирманг, демокчимисиз?

—Худди шундай.

—Биров мен касб-коримга хиёнат килолмайман-ку!

—ўтинаман! —

ёлворди Т.

Котил уккиникидай ўткир кўзларини унга кадаб тикилди.

—Нима, ўрталарингда мухаббат пайдо бўлдимми? — ишшайди котил.

—Ха.

—Севишиб колдиларингми?... Хўш, бахтлиман дерсиз хали?!

—Ха! Ха!

—Начора, бундан баттари бўлмайди, — деди шарт кесиб котил. — Кейинги пушаймон ўзингга душман, хозир нариги дунёда юрган бўлишингиз ҳам мумкин эди... Кискаси, афсуслар бўлсинки, хуштор бўлиб колганингизнинг ишимизга алоқаси йўк.

—Тўхтанг!

—Тўхтардиму, вақт кетди-да, — деди ковогидан кор ёғиб котил ва гўё бошини шифтга уриб олишдан эҳтиёт бўлгандай эгилиб, охиста турди (шу лахза Т.нинг хотирасига бир бесўнакай таниш аёлнинг: "Мен жойимдан кўзголгунча бошка биров ўн марта туриб ўтиради" деган гапи келди)

—Чиройлими у? — кизиксиниб сўради котил.

—Айтарлимас. Бирок яхши кўраман — бу аник. Ха, севаман.

— Бундан чикдики, пушаймонсиз?

— Сиз билан тузган шартномамизни назарда тутаяпсизми?

— Бўлмаса-чи!

— Афсус-надоматга хожат йўк. Хайр... сўнгги учрашувгача.

— Илтимос, яна бир дакика, сизга саволим бор.

Котил бармогини бигиз килди.

—Ешитаяпсизми?

Кўчада тонг ёриша бошлаганидан дарак бериб, эшикларнинг тараклагани, нонфурушларнинг хуштаклари, кора ишчиларнинг томок кириб йўталган товушлари эшитилди.

—Ваъдага вафо киламан, хайр тонг отаяпти.

—Нахотки! — шундай деб деразага югуриб борган жаноб Т. пардаларини очиб каради-ю, даг-даг титраб ёлворди. — Йўк, хали коронгу, шошилмасангиз бўларди.

Унинг гапи жавобсиз колди. Т. ўгирилиб караганида хонада ҳеч ким йўк эди. Котил гойиб бўлганди.

Жаноб Т. маъшукаси билан сухбатлашиб ўтириб, ўзининг гаройиб котилига, ўзини ўлдириш учун шахсан пулга ёллаган одамкушга айтишга улгурмай колган гапини эслади:

—Бу нусха бирор бир гапга кўнмайди, кон тўкмайсан, чўнтагингдаги олти миллион шундок ўзингга колаяпти, бу пуллар ўзингники, факат лафздан кайтсанг бўлди, десам унамаяпти. Касб-корига, обрўсига путур етармиш, яна консираётганига ўлайми.

—Билганини килсин, сен, рухингни чўктирма, — деди хоним. — Эҳтиёт бўлсанг бўлгани, ахир бу кийин иш эмас-ку, а? Сен хонангда унинг бемалол кириб-чикиб юришига йўл кўйганингдан кейин, албатта, у...

— Бемалол эмиш! Эшик, деразалар тамбаланган, деб айтганманку сенга, кўнгироклар улаб кўйилган. Гапимга ишон, у одаммас, иблиснинг ўзгинаси: бир зумда ер остидан пайдо бўлади-колади.

—Бунга кара-я, Ажалнинг худди ўзи!

—Шунака.

—Хўш, унда нима килиш керак деб ўйлайсан?

—Биласанми, дейлик, мен энг сўнгги кунгача котилимнинг назаридан кочиб юрсам,

хабаринг бор, биз бир йил муддатга шартнома тузганмиз, яъни у бир йил ичида мени ўлдириши лозим. Агар шу вақт ичида мен унга туткич бермасам, шундан кейин у нима киларкан?

—Балки ҳеч нима килмас.

—Балки, дейсан-а! Менинг хаёт-мамотим шу "балки"га боғлиқ бўлиб қолишини хохлаяпсанми?

—Хозир сени бир йил ўтгач нима юз бериши кизиқтираётир, шундан кейин шартномаларинг кучини йўкотадим, йўқми, шуни билмокчисан-да?

—Худди шундай.

—Хўш... бунинг ўзидан сўраш керакмикан?

—Тўғри айтдинг! Бирок уни қаердан излаб топаман? Ёлланма котил деганинг ёзувчи ё шоир эмаски, қахвахонада хаёлга чўмиб ўтарса.

—Кутиб тургин, ўзи келиб қолар.

—Агар ўлдириш учун келса-чи? Унда бу унинг охириги келиши бўлади, мен уни кўришга ҳам улгурмайман-ку, мени зимдан тинчитади-кетади?...

— Кулоқ сол, — деди хоним бироз ўксик охангда, — сен худди абадий яшашни талаб қилаётган одамга ўхшаб гапирасан-а, гўё бошқаларнинг сендан қарзи бордай!... Ол-а! Бахтлимисан? Бахтли бўлсанг ўйна-кул, ёмон хаёлларга берилиб, ваҳимага тушаверма. Иккимизнинг умумий бахтимиздан қувон, яйра.

Жаноб Т. ўзича бир нима деб мингирлади, бирок хонимнинг ҳақлигини тан олмай иложи йўқ эди.

Ҳақиқатдан ҳам улар беҳад бахтиёр эди. Узок вақт — қарийб уч ойдан бери! Бировларга уч ой оздай туюлар, бирок уч ойда бутун бир умрнинг айшини сурса бўлади, ахир, бахт дегани вақт билан ўлчанмайди-ку. Бирок, кейин нима бўлгани... аён. Мана сизга жўн тақдирларнинг яна бир кечмиши, дейиши мумкин аллақандай ичи қора қимса: "Хўш, бори шу экан-да? Бу шўрлик ошиқ-маъшукларнинг ҳам бахти охир шундай завоқ топибди-да?»? Ё худо, бунақа ўйлайдиганлар учун бахт деганларининг поёни бўлмаслиги керакдай гўё! Қанийди шундок бўла қолса!

Ҳа, уч ойдан кейин, боя айтганимиздай, воқеалар ноҳуш томонга қараб ўзгарди. Т. ўзининг маъшукасини таний олмай қолди, бирок у хануз хонимни қаттиқ севар, аччиқ изтироб чекарди. Аммо хоним пайтини топиб, тап тортмай унга хиёнат қилди: қўнгли қетган бир эрқакни, ўзидан ёшроқ, Т.дан қўра хаётсеварроқ ҳуштор топди. Оқибатда Т.нинг дарду дунёсига дўзах олови тутшиб афсус-надоматлари гуриллаган гулханга айландики, у тагин (худди ҳикоямиз аввалида айтилганидай) ўлиб-йитиб кетишни жуда-жуда истаб қолди.

Бу орада котил қорасини қўрсатгани йўқ. Ақсига олиб жаноб бу одамқушнинг оғзига чўп ўлчаб кетишни (агар бу вазиятни шундай ифодалаш ўринли бўлса), бошқача айтганда, ўз жонига қасд қилиб, котилни доғда қолдиришни энди режалаштирган оқшом одатдагидай котил қойибдан пайдо бўлди.

Бу пайт Т. ёзув столи ортида ҳомуш ўтирар, лакланган стол устида тўппонча ётарди. Котил тим қоронғуликдан чиқиб келди.

—Ва ниҳоят! — уни қўриб қичкириб юборди Т. — Яратганга шукр! Ишни битиргани қелдингизми?

—Нимага ишониб бундай деяпсиз? — деди ҳафа бўлиб котил. — Ҳалиям тушунмаяпсиз шекилли? Мен момақалдиروقқа ўхшайман, — берилиб тушунтира қетди у, — аҳмоқлар момақалдиروقдан қўрқишади, ахир гулдирок яшин қакнаб сўнгандан сўнг эшитилади-ю!

—Унда кайси шамол

бу ёкларга учуриб келди?..

—Ўзим ҳам билмайман: феълим галатирокми, ким билсин, балки сизнинг бахтиёр чехрангизни бир кўргим келдими. Биласизми, ишнинг мана шу томони хузурли-да. Одамни ўлдириш, айникса, ўлимни орзу қилганларни тинчитиш — хайр-саховат қилгандай бир гап.

— Ким сизга мени бахтли деб айтди! — норозилик билдирди Т. — Сизни кутавериб кўзим тешилди-ку ахир, мана...

— Нахотки, — ўсмокчилади котил. — Атиги икки-уч ой олдин ялиниб-ёлвориб мени лафздан қайтишга кўндирмокчи бўлдингиз, пора тикиб, ўлдириш хукукимдан мени махрум қилмокчи бўлдингиз...

— Нима ҳам дердим! Ундан бери канча сувлар оқиб кетди, энди ҳаммасидан юз ўгирдим, хаёт ўзи менга терс, мавхум, мантиксиз, чидаб бўлмайдиган даражада — бу хаёт эмас, дарёни бўғиб ётган бир уюм харсанг. Хуллас, мен бугунок, хозирок жонимни олишингизни илтимос қиламан. Бўлинг, кимирланг.

—ў, биродар, ўзингизни босинг: ўтган куни ўлгингиз келган эди, кеча яшагингиз кеп қолди, бугун яна ўлишни истайсиз... Тушунмай қолдим!

— Бирок, сизнинг ишингиз мени ўлдириш, бошқасини кўяверинг, хаққини олгандан кейин ишни бажаринг-да! Бўлинг, бўла қолинг, эшитаяпсизми?

— Тўгри, талабингиз тўгри. Бирок, кизикда энди: яна икки-уч ой ўтиб-ўтмай хозиргидай ёлвориб ўтирмайсизми, яшагингиз кеп қолмайдими?

— Канака безбетсиз! Балки шундай ҳам бўлар. Бирок яшаш иштиёки барибир ўлим хохиши билан алмашинади... бу демак... Сиз мени тушунаяпсизми? Хаёт ўлимни тан олмаган пайтдагина мохият касб этади, аксинча, булар ҳаммаси чўпчак.

— Ха, энди бундай нуктаи назардан қараганда, албатта...

— Хуллас, менингча, истиснога ҳожат йўқ.

— Тагин бахтли бўлиб кетишингизга истисно тарикасида қараяпсизми? Ишонч билан айтаманки, сиз ноҳаксиз. Хайр, кўришгунча.

Шундай деб котил гойиб бўлди.

Хақиқатдан ҳам тез орада жаноб Т.нинг ишлари тагин юришиб кетди. Албатта, ишқу муҳаббат бобида эмас, бу гал пул масаласида бахти чопди, сабил пул деганлари маълум маънода севги-муҳаббат ўрнини босишга қодир матох-да!

Бир куни эрталаб кўчада сандирақлаб юриб, жаноб Т. биржа биниси олдида бориб қолди. "Кизик, нечун бу биржа бинолари нукул баланд устунли, маҳобатли бўлади-а, биржами ё қасри олий, билмайсан киши (аслида биржанинг қасрдан қаери кам). Аммо мана бу бинога гап йўқ, Устунлариям нақд икки минг йиллик!" Жаноб Т. биржа бўсағасидан хатлаб ичкарига қираркан, хаёлидан факат шу кечди, холос, бошқа ҳеч нимани ўйлагани йўқ: уни бу ерга бирор-бир амалий иш эмас, балки шунчаки кизикувчанлик етаклаб келган эди: у хатто (бир пайтлар аллақандай даллолнинг ихтиёрига топширилган ва қиска вақтда баҳоси текинга айланган) анчагина Н. актсиясига эгалигини ҳам хотирага келтиргани йўқ.

Ичкари тирбанд эди. Ит эгасини танимайди, олаговур, оломоннинг устидаги таблода актсиялар қийматининг кўтарилиб, тушиб тургани ҳар дақиқада қайд қилиб турилибди. Жаноб Т.гарчи иктисод масаласида нўнокрок бўлса-да, таблога бир қараб қўйди ва шу нафас ўзини қимдир зимдан қузатаётганини пайқайди. У ортига ўгирилди: ёнгинасида қора қийим қийган бир қимса қалқайиб турар ва жаноб Т.нинг нигоҳи қаёққа

караётганини илгашга уринарди.

— Галати-а, тўгрими?

— Хечам. Мен, шунчаки, бекорчиликдан.

— Бирок янглишмасам, сиз таблодаги Н.га карадингиз?

— Н. дейсизми? — овоз чикариб такрорлади Т. ва ўзининг, гарчи киймати бир пул бўлса-да, актсияси борлигини, актсияси таблодаги рўйхатда кайд этилаётганини англаб колди.

— Демак, актсиянгиз бор, тўгрими? — тиргалди кора кийимли нусха, афтидан у товламачига ўхшаб кетарди.

— Ха, озрок бору, бирок ундан сарик чакалик наф йўк!

— Нотўгри ўйлаясиз, — пичирлади кора кийимли. — Шу бугун Н. актсияси анча ўсади, бир неча пункт юкорига кўтарилди. Бизам, акаси, киррикларданмиз, гапимизга эгалик кила оламиз, колаверса, тепадаги ишларданам хабаримиз бор.

Т.га барибир эди, у тепадан на яхшилик ва на ёмонлик кутар, бирок хозир вазиятнинг кулайлигини тўгри бахолой олди ва ишонкирамай сўради:

— Сиз мендан Н.актсиясини сотиб олишни хохламизми? (Т.шўрлик қачондан бери бу дахмаза коғозлардан кутилишни орзу қиларди!)

— Хозирок, шу ернинг ўзида оламан! Канчалигидан катъи назар—миллион бўлсам!

— Менда бунча актсия йўк.

— Канча бор?

— Икки мингча чикар.

— Оламан.

— Накд пулгами? — мингирлади Т. ўзининг дадиллашаётганидан юраги увишиб.

Кора кийимли шимининг чўнтагидан чек дафтарчасини сугуриб олиб, хавода силкилаб деди:

— Шошманг. Олдин сиз бахосини айтинг, канча?

У аклни шошириб кўядиган ракамни айтди... Энди факат биржадаги даллолни топиб, актсияларни олиш лозим эди, вассалом. Шундай қилиб иш пишди.

Ана энди жаноб Т. нима бўлаётганини хали фахмлаб улгурмай, боз устига, арзимас актсиясининг нархи бир сакраб том баравар ошиб кетгани сири нимадалигини тушунмай туриб, кўз очиб юмгунча бир коп пулнинг тагида колдики, бундаин хушбахт, бундаин кўтаринки холатни изохлаш ва одам боласининг шундай лахзаларда кўзи чакнаб, яшашга иштиёки беҳад ошиб-тошиб кетишини айтиб ўтириш ортикча, деб ўйлаймиз.

Зеро, йўқдан дунё топиб турганда ўлишни, ўлимни орзу қилиш гирт ахмоқликки, соядай таъкиб этиб юрган котилни ҳам бунча пул билан қайта сотиб олсам, лафзидан қайтарсам бўлаверади... "Бирок, кисталокнинг ичида гужури бор-да, у нокасни кўндириш, харкалай осон бўлмас-ов", дея хаёлан иккиланди Т.

Хуллас, жаноб Т.нинг боши осмонда, оёғи ер искамайди, аммо бу қадар сурурли қайфиятнинг охири кўпинча бахайр бўлмаслигини у хозир хаёлига келтирмайди. Чунки Т.га бойлик осмондан тушди гўё, колаверса, актсияларнинг туйқусдан нархи беҳад ошиб кетгани Т.нинг аклини шошириб, ховликтириб қўйдикки, у олди-сотди ишларига йўқлигини ҳам унутиб актсиябозликка берилиб кетди.

Илонга авралгандай, жаноб Т. актсиялар кийматининг гох кўтарилиб, гох тушиб кетишига гаркоб бўлиб, бу сирли ўйиннинг васвасасига учиб, кунларнинг бирида бору будидан ажраб, бозбоягидай мулла миркурукка айланди-колди.

Бир коп пул шамолга соврилди-кетди! Шунака ҳам бўларкан-да! Мана, у яна ноумид,

дардига хамдард йўк, гам-аламда коврилиб ёлгиз ўзи мўридай шўппайиб ўтирибди...  
"Яхшиямки, бир йиллик мухлат поёнига етиб колди, — ўзига хаёлан далда берди жаноб Т., —котил алдамайди, у сўзида турадиган йигитлардан".  
Бир йиллик мухлатнинг тугашига эса бир ойча бор эди. Жаноб Т. ана шу охирги бир ойни не азоб-укубатларда ўтказганини айтиб ўтириш бизнинг вазифамизга кирмайди.  
Мана, ниҳоят, жаноб Т. билан ёлланган котил келишишган бир йиллик мухлатнинг энг сўнгги куни ҳам етиб келди, ваъдага вафо қилиб ёлланган котил остонада пайдо бўлди.  
— Бугун охирги кун, — дея кўриниш берди у.  
— Э, худога шукр-ейй, — кичкириб юборди Т. — Мана, мен тайёр!  
Кизик, бу гапдан котил сал довдирагандай бўлди.  
— Баъзи бир ноаникликлар бор, — чайналди у.  
— Канака?  
— Сиз... ўзингизга буни айтганман... гоҳ ўлишни истаб коласиз, гоҳ яшагингиз кеп колади: сизники нак бахор хавосидай.  
— Хали шунака денг! Унда менам эслатиб кўяй: сизга барибир эмасми, фарқи нима?  
— Бошдаёк мен ўзимнинг мулохазаларимни айтиб эдим, — деди норозилик билдириб котил. — Мисол учун, агар сизни мен сиз айтган, сиз истаган пайтда гумдон қилсам...  
— ...Унда сюрприз бўлмайди — меҳнатингизнинг гаштини суролмай коласиз, шундайми?  
Буни мен тушунаман. Хўш, бахтиёр юрган кунларимда мени ўлдиришингизга нима халакит берди?  
Хақиқатан ҳам бугун котилнинг машки паст эди, у жавоб қилиш ўрнига ялтираб турган туфлисининг ингичка тумшукларига термилиб колди. Шу алпозда бироз каловланиб турган котилнинг ниҳоят берган жавоби Т.ни хайратга солди.  
— Журъат етмади.  
— Нима? Сизга-я, сиздай одамга журъат етмади...  
Котил жаноб Т.нинг хаяжони босилсин деб бироз сукут саклаб туриб, сўнг деди:  
— Айб санасангиз-да, тан олиб айтишга мажбурман: сизни гумдон қилишга журъатим етмайди.  
— Ё худо, нега бунака бўлаяпти ўзи?  
— Хуллас калом, бу ишни ўйламай бўйнимга олган эканман, энди афсус қилаяпман.  
— Очикрок гапиришнинг иложи борми?  
— Рост, бизнинг шартимизга кўра, мен сизнинг хаётингиздан доим хабардор бўлиб туришим керак эди, доим сизни ўйлашим, сизнинг холатингизга қиришим лозим эди.  
— Хўш?  
— Эй, азиз биродар, нахотки тушунмаётган бўлсангиз? Хаёт, инсон хаёти канака бўлишидан катъи назар... Йўк, маъзур тутасиз, очиги, бунака масалаларга аклим етавермайди, мен сабабини тушунтиролмайман! Бу жуда мушкул муаммо, жуда чалкаш... Сезаяпсизми?  
— Тасаввур қилинги, мен ҳеч нарса ни тушунмаяпман. Ахир, гап бунда эмаску.  
— Гап шунда, шунда. Хар қандай ишнинг, хатто одам ўлдиришнинг ҳам тартиб-қоида си бўлади. Боз устига бизнинг ишимизнинг ишқал жойи ҳам бор.  
— Канака ишқал?  
— Биз сиз билан ўхшашмиз, бир-биримизга ўхшаймиз.  
— Гап бу ёқда, денг! Гоятда миннатдорман.  
— Арзимади. Айтмоқчиманки, бир пайтлар мен ўзим ҳам сизга ўхшаб аёллар ва бошка сабаблар туфайли кўп изтироблар чекканман. Кейин эса... яна сўнг тагин...

— Такдир мени ҳам роса сийлаган: севинчим кайгу билан, алашим хузур-халоват билан алмашиб турган, демокчисиз-да?

— Худди шундай, факат фаркимиз шуки, сиз гапириб берганингизда жуда рафтор топиб гапирасиз, меники ковушмайди... Шоирона гапирасиз, сиз дoston айтгандай килиб айтасиз!

Жаноб Т.нинг назарида бу нусха гапни олиб кочаётган эди, (айни дамда ўлиш истаги) ҳам пучга чикаётганди. Бирок у ўзини кўлга ола билди.

— Энди бу шеърү шоирлик етмай турганди! Бас, гапдан ишга ўтиш керак, лафзни бажаринг.

Ёлланган котил бўшанг хиринглади.

— Улгураман хали. Мухлат окшом соат ўн иккида тугайди.

— Майли, сизнингча бўла колсин. Энди боринг ва кайтиб келганингизда хохланг хуфёна, хохланг очикчасига — ишни битиринг! Факат илтимос, мени алдаманг. Мухими, бу — менинг умримдаги энг сўнгги окшом бўлиши керак!

— Чучварани хом санабсиз! — захрини сочди ёлланган котил сўз бойлигининг бор имкониятини ишга солиб. — Менга деса мухлат киёмат койимгача чўзилмайдими, мен сизни барибир ўлдирмайман.

— Кайси жин урди? Хазил ҳам эви билан-да? Хўш, билсам бўладими: балки ўзингиз айтарсиз, бу нимаси ахир, лафз кани? Сиздан нима талаб килаётганимни жуда яхши биласиз-ку, мен ўлишни хохлайман, ўлишим керак, буни бир йилдан бери мушток бўлиб кутаётганим ўзингизга маълум... Хўш?

Котил кўзини олиб кочди, чап кўлининг бош бармоги билан мўйловини босиб силади.

Сўнг мижозини ранжитиб кўйишдан чўчиган косибга ўхшаб узрли охангда деди:

— Бўладиган гап шу: мен сизга олти миллионни кайтариб бераман, бу пул сизга ортикчалик килмайди, карабсизки, олам гулистон, ана шунда...

— Йўк! — бакирди жаноб Т. ва овозини баттар кўтариб шовкин солди: — Йўк! Йўк! Сиз менинг устимдан кулаяпсиз, мени хакорат килаяпсиз, ортик чидаёлмайман! Мен ўлишни истайман, ўлдиришингиз учун сизга пул тўладимми, тўладим. Энди мени тирик колдиришингизга йўл кўйиб бўпман, кайтариб берадиган пулингизни бошингизга ёстик килинг! Менга касбингизнинг обрўсини рўкач килганингиз эсингиздами? Ха, хурматли ёлланган котил билиб кўйинг, менинг ҳам касбим бор, мендаям ўз касбимнинг обрўсини ўйлайдиган фахм-фаросат, виждон бор: бу — ўз жонига касд килиш касби, ўзини ўз кўли билан ўлдирувчи — худкушнинг обрўси, иззати, хатто айтиш мумкинки...

Ана шу дамда Т. билан ёлланган котил туйкусдан бир-бирларига тикилиб, сукут саклаб караб колишди ва... иккаласи ҳам бараварига ках-ках отиб, бор овозда кулиб юборишди.

— Жа, олдингиз лекин! — ёлланган котил чангак бўлиб, оёги билан ер тепиб хохолади.

— Йў... йў... хатто хаёлингизга келтира кўрманг... ха-ха-ха, вой, ичагим узилиб кетди-ёв... зинхор ён бера кўрманг...!

— Яна кимга, ха-ха-ха, кимга? — аранг гапирди Т., кулгидан лавлагиси чикиб.

— ўзингизга, унга, уларга, хаётга!

— Ундайми, шундайми? Керакмасми?... У холда кандай бўлади?

Хайхот, бу саволга бериладиган жавоб кўп мажбурият юкларди, шу боис ёлланган котил жавоб килмади. У туйкусдан кулгисини тийиб, одатдагидай, керишиб ўрнидан кўзгалди.

— Сog бўлинг. Кейинги сафаргача шу жойда тўхтаимиз. Олти миллионни мен эртага сизнинг жорий хисобингизга кўйиб кўяман. Хайр, яхши колинг!

Т. бирдан ўзига келиб, яна бир нима деб эътироз билдирмокчи бўлди, биров уларнинг сухбатига сўнги нуктани котил кўйди:

— Сизни менми ёки бошқа бир ёлланган котилми — ким гумдон килганининг нима ахамияти бор?!

Ахмад Отабоев таржимаси